

Профессиография ва профессиографик тадқиқотлар

Мавзу режаси

- Профессиография ҳақида тушунча
- Профессиограмма профессиографиянинг натижаси сифатида
- Касб танлашнинг умумий масалалари
- Е.А.Климов таълимоти “Инсоннинг табиат билан муносабати” ҳақида тушунча

- Профессиография деганда касблар ва уларнинг бир - биридан фарқланувчи ихтисослар томонидан инсон оддига қўйиладиган талабларни баён қилиш мажмуаси тушунилади.

Касб-кор (ҳунар) оддига қўйиладиган талабларни асослаш ва уларни баён қилиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, умумий ҳамда хусусий жабҳаларни ўзида акс эттиради.

1. Касб ва уни ихтисосликларининг психологик тавсифи.

- 2. Касб-корнинг (ҳунарнинг) мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти.

3. Касб ва ихтисосликнинг ижтимоий тавсифи.

- 4. Касбнинг ижтимоий психологик аҳамияти ватавсифи: ёшларда унинг ижтимоий мавқеи (нуфузи), жамоанинг ўзига хос хусусиятлари, вертикал ва торизонтал бўйича шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари

Профессиография ҳақида тушунча

5. Касбий фаолиятни муваффақиятли эгаллаш учун зарур билимлар ва кўникмалар кўламининг педагогик тавсифи (махсус мезонлар орқали касбий маҳорат аниқланади).

6. Педагогик жараёни такомиллаштириш юзасидан таклифлар, тайёргарлик муддатлари, тадбир - чораларнинг умумий тавсифи.

7. Меҳнат шароитининг гигиеник тавсифномаси.

Профессиография ҳақида тушунча

8

- Касб бўйича меҳнат қилишга тиббий жиҳатдан таъқиқланувчи омиллар изчиллиги



9

- Касбга психологик номутаносиблик, ёки касбий яроқсизлик.




10

- Ўзини ўзи фаоллаштириш ва идентификациялаш.

- Касбнинг инсон олдига қўядиган талаблари мажмуаси психологик, ижтимоий, иқтисодий, техникавий ва педагогик жабҳаларни қамраб олади. Касб ва ихтисос асосларини эгалловчи ёшлар шу фанларнинг барча талабаларига мослашиши орқали мутахассислик лаёқатини ривожлантира боради

- Касб танлашга йўналтириш давлатнинг тадбир - чоралари тизимидан иборат бўлиб инсон томонидан танланади, ўз ҳаёт йўлининг илмий асосланганлигини таъминлашга хизмат қилади, у турмушда ўз ўрнини аниқлайди ва қуйидаги шаклларда амалга оширилади;



1 мактабда касбий маълумотлар бериш;

2 касб - ҳунар маорифи билан шуғулланиш:

3 радио, телевидение, кино, матбуода
ташвиқот қилиш;

4

- касб юзасидан маслаҳатлар;

5

- касбга саралаш (қобилиятига биноан);

6


- касбга мослашиш (адаптациялаш).


Касб танлашнинг умумий масалалари

- Касб – ҳунар тўғрисида ҳар хил муносабатлар ҳосил бўлишининг асосий сабабларидан бири – бу мактаб ўқувчиларида касб танлаш жараёнида турли хил мотивларнинг намоён бўлишидир. Мотивлар ўртасидаги кураш уларнинг у ёки бу қарорга келишларига сабаб бўлади. Бизнингча, воқеликка онгли муносабатда бўлиш объектив ва қатъий қарорни келтириб чиқаради.



- Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ўспиринларнинг қизиқиши, майли, эҳтиёжи, иқтидори, малакасини ҳисобга олган ҳолда тўғри йўналтириш мамлакат тараққиёти учун пухта замин ҳозирлайди. Бу ҳақда “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»да ибратли фикрлар билдирилган.





Эътиборингиз
учун
рахмат